

Каттакўргоннинг оти зохирда кўзга канча катта кўрунса ҳам, лекин ўзи катакга ўхшаш кичкина шаҳарча бўлуб, «оти улуг, еуфраси куруг» деган макол факат шу жойнинг шаънига мос келади. Шунинг билан баробар, дўстимиз «Девона» ўртокнинг айтганича, бу шаҳарни «асрори махфий» конларидан бири десак ҳам бўладир.

Якинда такдир тўлкилари мени ушбу шаҳарга элиб ташламокчи бўлгонлигини сезиб, дархол сафар асбобларини мухайё килишга киришдим. Халтамга бир мунча кок нон билан талкон солдим, шаръий истинжо учун керак бўлур деб 3—4 та кесакни ҳам бир латтага ўраб олдим. «Ар-рафик сумма тарийк»[1] мазмунига амал килиб йўддошлик учун рассомимиз «Бўри» ўртокнинг рафофатини қабул килдим. Самаркандимизнинг вокзал йўлида «амнияти тарик» йўклигини мулохаза килиб, окшом барвактрок иккаламиз йўлга чиқдик. Кечаси вокзал якинидаги бир дўстимизнинг уйида ётдик.

Бошимни ёстукка қўйиш билан баробар, қўзимни уйкуга элтган экан. Тушимда ажойиб нарсаларни кўрибман. «Дарди кампир — гўза» дегандай, меним дардим (максадим) ҳам сувга тегмаган гапларни топиб хангома килиш эмасми?

Хайр, «шак-шак» демасдан, якка-яхлут «шафтолу» дея қолайин: тушимда кўрсам, гўё мен Каттакўргоннинг бир сиёсий идорасида эканмен. Ул идоранинг бошлуги гўё ўтакетган жувонбоз эмиш. Шунинг учун бу ўрток ўзининг идорасида чиройликгина бир болани жувон саклагон эмиш. Бечора бола баъзан кечалари идора бошлугига ўзининг сояи чирогини кўрсатишга мажбур бўлар эмиш...

Бир вақт карасам шул ишчининг олдида бошқа бир чиройлик бола пайдо бўлиб колди. Буларнинг орасида шундай бир мунокаша бўлиб ўтди:

М. ишчи: — Бу вақтлар каерда ишлаб юрасен?

Бола: — ... идорасида.

М. ишчи: - Ойида канча вазифа оласен?

Бола: —... сўм.

М. ишчи: - Сен уй-жойингдан чикиб, меним идорамга келиб ишла. Вазифангни икки хисса ортдурамен.

Бола: - Йўк, қабул килмаймен.

М. ишчи: - Бўлмаса, сени жойингдан зўрлик билан чиқариб келтирармен.

Бола: - Кила олмайсиз.

М. ишчи: - Эй!.. Даминг баланд-ку!.. Хеч бўлмагонда, сени жойингдан бекор киддириб

хайдатамен...

Бола: - Кўлингиздан келган ишни килингиз. Мен бу ерга келиб сизга жувон бўлишни хохламаймен...

Мунокаша ёкалашишга оид бўлаёзгон чоғда, сўфининг «Ас-салату хайрун минан-навм» довушини эшитиш билан кўзимни «ялк» этиб очсам, тонг отибдур. Дархол йўлдо-шимни уйготдим. Юз-бетимизни чала-чулпа ювуб, вокзал томонга равона бўлдик. Хар нима, Худойи таолонинг мархамати билан йўлда бирар «рука верх» чига йўлукмай эсон-омон вокзалга етдик. Бунда оташарава келгангача бир соат чамаси вақтимизни тикка туриб ўтказишга мажбур бўлдик

1-2нчи дарича буфетнинг ич томони ажойиб бир манзара ташкил этган эди. Бир ёкда «хур-хур» уйку. Иккинчи томонда иссиғ ва совук чой ичиш. Бир томонда ошикона созу сўзлар, маъшукона нозу нузлар. Бошка томонда билет олиш учун талаш-тортиш. Хулоса, алғов-далғов бозори.

Мен вистафкага ўхшаш бу кизик кўрунишни бир йўли кўздан ўтказгандан кейин залнинг китобфурушлик бўлимига бориб (агар топилса) биронта ўзбекча газет олиб ўкумокчи бўлдим. Йўк, бунда носфурушлик бўлмағони учун ўзбек газети ҳам сотилмас экан. Бу ҳолни кўргач, бирдан зиёним тутди. Ўзбекистоннинг пойтахти бўлатургон бир шаҳарнинг вокзалида, ҳатто ўчоқларнинг тутунтуруғигача рус матбуоти ишлатилсун-у, аммо лоакал нос ўраш учун биронта ўзбекча эски газет топилмасун. Шу ҳам гапми?..

Самарканднинг вокзали жуда чиройлик - олий. Лекин унинг буфети ўзбекчиликдан холи. «Ўзлашдириш» бўйнида, бу ишларнинг уволи.

Буфетнинг деволига шу юкоридаги байтларни ёзмокчи бўлиб тургонимда поезд келиб колди. Ташкари чикдик. Туя каторига ўхшаш олдимиздан ўтган вагунларнинг ташки деволида русчасининг таржимаси бўлгон мусулмонча ракамлар ва «Средней Озиё» деган гаплар ёзилгон эдиким, буни кўриб бир оз ранги рўйим кирди. Кувона бошладим. Лекин «средней» ўрнида «ўрта» деган гапни ёзмағони учун чаласавод таржимонни кўнглимда сўкдим. Хайр, шу ярим ёрти ўзбекча хати бўлмағонида ҳам биз нима деяр эдик. Бунинг учун кимни ёкасидан ушлаб козихонага судрар эдик?

Оташарава тўктади. Иккаламиз бир вагунга чикиб, жой тополмай, охири турманинг курсисига ўхшагон торгина бир жойга ўрнашдик. Бир мунча вақт жим ўтириб, дам олгондан кейин овунмак учун йўлдошимиз билан сўзга киришдик. У ўзбекчани тузук билмагани, мен русча гапира олмағоним учун кўпинча гунглардек имои бурут йўли билан ифодаи маром килар эдик.

Ана-мана деганча поездимиз Каттакўргонга етиб колди. Вогундан тушиб тўп-тўгри бир ошнои дайринамизнинг уйига бордик. Бир оз ёзилиб чой-пой ичгандан кейин кўчага чикиб шаҳарни айландик.

Бизга рахбарлик килатургон кўнгли каро бир одам «Мана бу кироатхонамиз!» деб,

этикдўзлик ифлос бир дўкончани кўрсатди. Бунда икки одам этик тикиш билан машгул экан. Аммо бу жойда газет ва китоб деган нарса доруга ҳам топилмайдир. Нарирок бориб бир кизил чойхонани кўрдик. Бу чойхона чойхўрлар билан лик тўлгон бўлса ҳам, унинг устулида чанг босиб ётгон эски газеталарга ҳеч ким карамайдир. Шу чойхонанинг каршисида бир капираф дўкони бор эканким, бу дўконга 4 газ чит учун кирган ишчи камбагалларнинг бўйнига такилгон бир канча шара-бараларини кўриб, беихтиёр кулиб юбордик. Бундан ўтиб, солинаётгон 8 синфлик мактабнинг жойини томоша килдик. Бу бинонинг ёлғиз тагкурсиси ишланган. Шунинг билан мактаб эгалари муроду максадига етган, вассалом. Бир мунча суриштиргонимиздан кейин биддикким, мактабнинг таъмирини бўйнига олгон Каттакўргон давлат таъмиротчиси шу бинонинг фойдасидан ўзининг умрлик маишатини таъмин килмоқучун плон (режа) тузиб ишга киришган экан. Натижада, чатоги билиниб, ўзи судга тортилгон. Шунинг билан иморат ҳам сабил колгон.

Чакимчи

«Машраб», 1925 йил, 15-сон